

**O'zbekiston
iqtisodiy
axborotnomasi**

6-8/2010

TAHLILIY JURNAL

ISSN 2010-9475

АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

1919

**Экономический
вестник
Узбекистана**



**Сифат тизими ва солиқ
солишни мувофиқлаштириш**

**Оптимизация систем
качества и налогообложения**

Ушбу журнал «Узбекистон» акциясида, «Узбекистон» Бухгалтер ва аудиторлар
мамлакатимизда, «Узбекистон Республикаси Давлат қўғам хизмати»
Қўғам хизмати билан ҳамкорликда бепул тарқатилмоқда.

Журнал подготавливается совместно с Ассоциацией бухгалтеров
и аудиторов Узбекистана, Национальной ассоциацией бухгалтеров и аудиторов Узбекистана,
Госкомстатом и ПИК Республики Узбекистан.



Ta'asischi:
O'zbekiston Respublikasi
Iqtisodiyot vazirligi

Tahrir kengashi ratsi

Saidova G.K.

Tahrir kengashi:

Abdurahmonov Q.X.

Ahadov A.A.

Ashrafxonov B.B.

Vahobov A.V.

Zayniev N.Z.

Iminov B.M.

Oltiev A.S.

To'raev B.E.

Xaitov A.A.

Shayxov A.E.

G'ulomov S.S.

Bosh muharrir

Saydaxmedov A.

Navbatchi muharrir

Rahimov S.T.

Bo'lim muharriri

G'ibipova S.A.

Reklama bo'limi mudiri

A'zamov Sh.B.

Jurnal tarqatish bo'limi mudiri


Xalilov D.

Арт-менеджер 3D

Самарцев А.Ю.

Badiiy muharrir

Abramov V.G.



Manzillimiz:

100003, Toshkent sh.

O'zbekiston shoh ko'chasi, 55.

Telefonlar:

239-11-25 (qabulxona);

259-22-53 (ma'sul kotib);

259-22-26 (reklama bo'limi);

259-20-79 (jurnal tarqatish bo'limi).

Faks: 259-20-95.

e-mail: evu@uznet.net;

vestnik1919@mail.ru

MUNDARIJA

№5-6/2010 **591**

SIFAT MENEJMENTI

- 10 Respublikamizda sifat menejmenti tizimlarining rivojlanishi
- 15 Standartlashtirish sohasidagi o'zgarishlar

RIVOJLANISH DASTURI

- 18 Mulkning o'z egasini topishi — yaratuvchanlikning bosh omili

QIMMATLI QOG'OZLAR BOZORI

- 22 O'zbekistonda qimmatli qog'ozlar bozori
- 27 Aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatini rivojlantirish
- 29 Aksiyalarga to'lanadigan dividendlar

SOLIQ ISLOHOTLARI

- 31 Soliq imtiyozlari rivojlanish omili
- 34 Andijon: o'zgarish va yangilanishlar yo'lida
- 37 Hisob-kitob tizimini takomillashtirish masalalari

BOZOR MEKANIZMLARI

- 39 Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi sharoitida qo'shilgan qiymat solig'ining moliyaviy hisobini takomillashtirish
- 42 Yerlarni iqtisodiy baholash — yer resurslarini boshqarishning iqtisodiy mexanizmi
- 45 O'zbekiston avtomobil transport tizimi

DUNYO TAJRIBASI

- 48 Teran iqtisodiy g'oya — taraqqiyotning bosh omili

Изох:

* — маърузадан

** — ОАВдан

*** — статистикадан

YERLARNI IQTISODIY BAHOLASH — YER RESURSLARINI BOSHQARISHNING IQTISODIY MEKANIZMI

Қосимжон Раҳмонов,
иқтисод фанлари номзоди,
(Тошкент ирригация ва мелiorация институти)

Узбекистон Республикасида фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг ер участкалари ҳажмларини оптималлаштириш ишларини бажариш — уларнинг фаолият самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Яъни, фермер хўжаликлари моддий-техника


базаси мустаҳкамланади, молиявий-иқтисодий аҳоли яхшиланади, ишлаб чиқариш рентабеллиги ўсади. Ушбу тадбирларни амалиётга жорий этиш эъзига эса, қишлоқ аҳолиси даромадлари ва турмуш даражаси яхшиланиши учун катта имкониятлар очилишининг иқтисодий механизмлари яратилади. Бу билан, албатта, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари ихтиёрида

булган ер участкаларини янада оптималлаштириш учун етарли даражадаги ер ресурслари мавжудлиги, ерларнинг тупроқ унумдорлиги, мелiorатив ҳолати, яхшиланиши, сув билан таъминланганлиги, хўжаликларнинг ихтисослашганлиги ва бошқа омилларнинг интеграцилашиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатилади. Ушбу масалаларнинг ҳал этилишида қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари ерларининг иқтисодий (меъёрий) баҳосини аниқлаш алоҳида ўрин тутади.

Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 19 апрелда давлат рўйхатидан ўтказилган «Узбекистон Республикасидаги қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалик ерларининг меъёрий баҳосини аниқлашнинг муваққат йуриқномасини тасдиқлаш ҳақида»ги норматив-ҳуқуқий актлари асосида қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларнинг ер-

1- диаграмма

Оптималлаштирилган фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг бир гектар суғориладиган ерларининг иқтисоди (меъёрий) баҳосини аниқлаш натижалари, (минг сўм ҳисобида)



ларнинг иқтисодий (меъёрий) баҳосини аниқлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ерларнинг иқтисодий (меъёрий) баҳосини аниқлашнинг асосий мақсади фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда ягона ер солигини аниқлаш ҳамда жорий этиш ҳисобланади.

Республикадаги оптималлаш-тирилган фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларнинг ерларнинг иқтисодий (меъёрий) баҳосини аниқлашда асосий иш турлари баҳоланишининг умумий қоидалари, тайёргарлик ишлари, қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилари ерларининг ўртача балл-бонитетини аниқлаш, табиий ем-хашак ерлари ҳосилдорлигининг ўртача қийматини аниқлаш, ерларнинг қийматини аниқлаш ҳамда ҳужжатларни расмийлаштириш ишларини амалга оширишга эътибор қаратиш зарур.

Сугориладиган ерларни баҳолаш жараёнида маъмурий туман чегарасидаги ҳар бир қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилар бўйича зарур бўлган охириги 3-5 йилдаги ер ҳисоби

ва статистик маълумотларни йиғиш, бирламчи ахборотлар, ҳисобланган ер кадастри кўрсаткичлари, қишлоқ хўжалик ва статистика идораларининг қишлоқ хўжалик, экинларининг экилиши ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлари, уларнинг таркиби, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сотилиш баҳолари ҳақидаги маълумотлари, тупроқ ва геоботаник ҳамда картографик хари-талардан тўлиқ фойдаланилади. Иш жараёнида баҳолаш усули этиб, даромад усули яъни, ялпи маҳсулот ва соф даромад, ер участкасининг жойлашган манзили, экин майдонларидаги сугориш тармоқлари ва бошқа маълумотлар инобатга олинади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда оптималлаштирилган фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг бир гектар сугориладиган ерларининг иқтисодий (меъёрий) баҳосини аниқлаш натижалари 1-диаграммада келтирилган.

Республикаимиз Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни

чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги фармониغا мувофиқ қишлоқ хўжалигида ердан ижара асосида фойдаланиш ва ижара муносабатларини ривожлантиришга алоҳида ўрин берилганлиги ердан фойдаланганлик учун тўлов тизимини тақомиллаштиришни, тўловни амалга ошириш механизмларини ривожлантиришни талаб этади, биринчидан:

- ердан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқлар тизими ва ижара ҳақи ўртасидаги муносабилик ва мувофиқликка эришиш;

- ердан фойдаланганлик учун ижара ҳақи белгилаш ва бунда рента омилини ҳисобга олувчи самарали ва содда ҳисоб-китоб тизимини жорий этиш;

- қишлоқ хўжалиги ердан фойдаланувчиларга экинлар таркибини белгилаш ва жойлаштиришдаги иқтисодий эркинликлар даражасини кенгайтириш;

- маҳсулот етиштирувчи деҳқонга маҳсулот сотиш бозорларини белгилаш эркинлиги, хизматлардан фойдаланишдаги танлаш имкониятини яратиб ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, ердан фойдаланиш муносабатларини ривожлантиришда ижара муносабатларини тақомиллаштириш йўналишидаги жумладан, ижара ҳақи ва ягона ер солиқлари мақомини ўз ўрнига қўйиш ва уларни тақомиллаштириб бориш имконини берувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши зарур.

Учинчидан, ердан фойдаланиш мақсадларини ердан фойдаланувчилар фаолият эркинликлари даражасидаги доимий ўзгаришлар ва аграр тармоқдаги ишлаб чиқариш муносабатларининг тақомиллашиб бориши ислохотларнинг ҳуқуқий асосини доимий равишда ривожлантириб боришга ундамоқда. Ислохотлар ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш деҳқоннинг эркин ва ижодий меҳнат қилиши, яратилган меҳнат натижаларидан манфаатдор бўлишини таъминлашга хизмат қилиши лозим. Барча тоифадаги ерларнинг қиймат баҳосини белгилаш натура ва қиймат кўрсаткичлари тизими ёрдамида амалга оширилади. Ерларнинг қиймат баҳоси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилинишини алоҳида қайд этиш лозим.

1-жадвал

«Истиқлол» фермер хўжаликлари массив ерларининг иқтисодий (меъёрий) қийматини ҳисоблаш натижалари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Қиймат
Тупроқнинг ўртача балл-бонитети	балл	67
Бир гектар ҳайдалма ердан олинган ялпи маҳсулотнинг меъёрий баҳоси	минг сўм	3920
Фойда меъёри	%	18
Меъёрий соф даромад	минг сўм	117,6
Банк судасининг фоизи	%	5
Хўжалик юритиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг интенсивлик даражалари бўйича коэффицент		0,7
Бир гектар ернинг базавий меъёрий баҳоси	минг сўм	1646,4
Жойлашган ўрни бўйича коэффицент		1,38
Маҳаллий шароит бўйича коэффицент		1,022
Бир гектар ернинг меъёрий баҳоси	минг сўм	2322,0
Умумий баҳоланган майдон	га	886,1
Ер участкасининг ялпи меъёрий баҳоси	минг сўм	2057524,2
1 га ер учун ўртача ягона ер солиги	минг сўм	65,0
Массив бўйича ягона ер солиги миқдори	минг сўм	57610,7

Bozor mexanizmlari

Ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашга оид олиб берилган тадқиқотлар натижасида, юқоридагиларга қўшимча равишда қуйидаги ишларни бажариш ҳам муҳим ўрин тутиши аниқланган: турли мақсадларга мўлжалланган ерлардан фойдаланиш самарадорлиги даражасини аниқлаш, ер учун тўланадиган ҳақ ва унинг норматив баҳосини ҳисоблаб чиқариш, ерларни киморди савдоси асосида реализация қилиш пайтида бошланғич баҳосини аниқлаш, ерларни давлат ва жамоат эhtiёжлари учун олиб қўйишда йўл қўйилган нобудгарчилик ва қўрилган зарарларни қоплаш учун ҳам ерларнинг қиймат баҳосини аниқлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги 224-сонли Фэрмониға эссосан ягона ер солиғи қуйидаги турлар бўйича белгиланади:

- қишлоқ хўжалиғи ер турлари бўйича базавий ставкалари;
- суғориладиган ерлар учун туман ва шаҳарлар бўйича ягона ер солиғининг базавий ставкалари;
- ягона ер солиғи бўйича базавий ставкаларға тузатма коэффициентлар.

Янгийл тумани бўйича 2009 йилда бажарилган ҳисоб-китоблар натижасида қишлоқ хўжалиқ ҳудудларида жойлашган корхона, ташиқлот ва муассасалардан олинадиган ер солиғи ставкалари аҳоли яшаш жойларида — 803679 сўм/га, аҳоли яшаш жойларидан ташқарида — 752135 сўм/га; яйлов ерларда 40662 сўм/га; қарерларда 208017 сўм/га (суғориладиган) ва яйловларда — 10151 сўм/га бўлиши белгиланган.

Юқорида берилган ягона ер солиғи тўғрисидаги маълумотлар, меъёрий курсаткичлар асосан «Абдусалом Файз» номли фермер хўжалиғи учун аниқланган. Ушбу ҳисоб ишлари асосан «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиғиға мўлжалланган ерларнинг сифат, иқтисодий ва қиймат баҳосини аниқлашнинг вақтинчалик қўлланма»си ва вилоят Ер ресурслари ва давлат қадастри бошқармаси билан биргаликда «Уздаверлоийда» институти Тошкент филиали томонидан тайёрланган дастур асосида бажарилган.

Суғориладиган ерларни иқтисодий (меъёрий) баҳолаш ишлари массив мисолида бажарилиб, натижалари қуйидаги маълумотларда қайд этил-

ган. Ерларнинг меъёрий баҳосини аниқлаш учун «Истиқлол» фермер хўжалиқлари вақиллиғи фойдаланаётган барча қишлоқ хўжалиқ ерлари олинган. Хўжалиқда ҳозирги кунда мавжуд бўлган фермер хўжалиғи ерлари ҳам баҳоланди. Ерларни баҳолаш ишларини бажариш учун энг аввало: хўжалиқнинг тупроқ бонитети, қишлоқ хўжалиқ ерлари тузилмаси ва экинлари режаси, хўжалиқнинг жойлашиш ўрни, маҳаллий шароити тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа ҳужжатлар тўпланган. Бу эса, ер ва экин турлари бўйича ишлаб чиқилиб, тасдиқланган қишлоқ хўжалиғи ерларини баҳолашда қўлланиладиган ишлаб чиқариш интенсиивлик даражасининг вақтинчалик миқдори — 0,7, маҳаллий шароит коэффициентининг вақтинчалик миқдори — 1,022 қилиб белгиланди. Ушбу хўжалиқда сабзавотчилик асосий тармоқ бўлиб, унинг салмоғи 70 фоизга тенг. Ушбу ҳисоб-китоблар ўрганилиб чиқилгандан сўнг, хўжалиқнинг ҳаритаси тайёрланди ва унга тупроқ турлари, ерларнинг балл-бонитетлари чегаралари тушириб чиқилди. Ер контурлари майдониға фақат хўжалиқда фойдаланиладиган ерлар киритилди. Участка атрофи ва ичидаги жойлашган йўллар, ариқлар, зовурлар билан банд ерлар киритилмади. Шў аниқланган контурлар бўйича қайдномалар тузилди. Ушбу ишлар бажарилиб бўлингандан сўнг, ҳисоб-китоб ишлари амалға оширилди, ҳар бир гектар ер майдонини ва жами майдоннинг меъёрий баҳоси аниқланди. Сабзавот ва дон экинлари бўйича ялпи маҳсулот қийматини ҳисоблаш коэффициенти 0,753 қабул қилинди.

«Истиқлол» фермер хўжалиқлари массиви бўйича суғориладиган майдони 886,1 гектарни ташкил этади. Экинлар майдониға нисбатан асосий экин бўлган пахта учун коэффициент 0,5 қабул қилинган.

Ер баҳолаш ишларининг якуни бўйича фермер хўжалиқлари вақиллиғи тупроғи ўртача 67 балл бўлиб, бир гектар ҳайдаладиган экин ерлари ялпи маҳсулотнинг меъёрий баҳоси 3920,0 минг сўмни ташкил қилди. Даромад меъёри эса, 18 фоизга тенг. Бир гектар ернинг базавий-меъёрий баҳоси 1646,4 минг сўмни ташкил қилди. Ушбу аниқланган базавий контурларнинг ва маҳаллий шароит коэффициентлари

қўлланиши натижасида, хўжалиқнинг бир гектар ер майдони меъёрий баҳоси — 2322,0 минг сўмни ташкил қилди.

Хўжалиқнинг барча қишлоқ хўжалиғида фойдаланаётган ерларининг баҳоси эса, 2 млрд 57 млн 524 минг 200 сўм қилиб белгиланди. Ҳисоб-китоб ишлари якунланиб бўлингандан кейин, хўжалиқ бўйича барча тўпланган ҳужжатлар ва тузилган жадваллар, хўжалиқ бўйича ҳужжатлар тўплами яратилади ва хўжалиққа фойдаланиш учун тавсия этилади.

Бир га ер учун ўртача ягона ер солиғи 2322,0 минг сўм бўлиб, хўжалиқ бўйича жами миқдори 57610,7 минг сўмни ташкил этади.

Амалиётда қишлоқ хўжалиғи товар ишлаб чиқарувчиларидан ундириладиган ягона ер солиғининг хўжалиқдаги ресурслар ҳарақатиға таъсир кўрсатувчи омили сифатида намоён бўлиши — мазкур солиқнинг бой ички салоҳиятидан иқтисодий омил тарзида фойдаланишнинг ўзига хос имкониятини вуҷудға келтиради. Аммо, улардаги фарқларни ҳам аниқлаш зарур. Масалан, суғориладиган ерлар истиқболидаги захираларининг сифат ва миқдор жиҳатлари ҳозирги босқичда жамият эhtiёжлари учун фойдаланилаётганларидан фарқ қилиши каби мазкур солиқнинг ҳам келажакда амал қиладиган ва ундириладиган қўламай ҳозирги босқичда амалда бўлган тизимидан фарқланади.

Ўз навбатида, ер ресурслари борасидаги ўзгаришларни тадқиқ этиш ва улардан самарали фойдаланишнинг солиқ механизмлари ишлаб чиқиш жамият бойлиқлари кўпайишиға ва фаровонлик ошишиға олиб келади. Бу ерда солиқ муносабатлари қишлоқ хўжалиғида яратилган жами даромад қийматини тақсимлаш босқичида ташкил топади.

Бироқ, қишлоқ хўжалиғи товар етиштирувчиларини солиқ солиш орқали рағбатлантириш пировард натижада давлат бюджети тушумлари камайишиға олиб келмаслиғи логиким. Бунинг учун, солиқ солишнинг одиллик тамойилидан фойдаланиб, хўжалиқ юритувчи субъектларни табақалаштириш ва шундан сўнггина ерларни табақалаштирган ҳолда, муқаммал қайта қўриб чиқилиши ва илмий асосланган тарзда ставкалар қўлланиши логиким.